УДК 81`271.14

ОРТОЛОГИЯ ТАДҚИҚИ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ТУТГАН ЎРНИ

М.Ш.Ширинова

Мақолада ортология атамасининг келиб чиқиши, луғавий маъноси манбалар асосида изоҳланган. Сўнгги йигирма йил давомида рус тилшунослигида ортология бўйича амалга оширилган монографик тадқиқотларга қисқача шарҳ берилган. Адабий меъёр масалалари ўзбек тилшунослигида грамматика таркибида ўрганилиб келинмоқда. Дунё тилшунослигида қизиқиш уйғотган ортология соҳасини ўзбек тилшунослигида ҳам алоҳида таълимот сифатида ўрганиш зарурлиги борасида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: *ортология, меъёр, тил меъёрлари, адабий тил, адабий меъёр, ортология тадқиқи, ортологик таҳлил, нутқ маданияти.*

В статье опираясь на источники даны толкование термина “ортология” и краткий обзор монографических работ по проблемам ортологии, созданные в последние два десятилетия в русскими лингвистами. Вопросы лингвистической нормы в узбекском языкознании все еще рассматриваются в составе грамматики. В связи с тем, что в мировой лингвистике наблюдается повышенный интерес к проблемам ортологии делается вывод: пришло время изучать и в узбекском языкознании ортологию как самостоятельную область лингвистики.

Ключевые слова: *ортология, норма, лингвистическая норма, литературный язык, литературная норма, ортологический анализ, культура речи.*

Тил – миллат кўзгуси. Ҳар бир миллат шу кўзгуда ўзини намоён этади. Кўзгуда ўзини чиройли, бенуқсон кўришни истаган миллат борки, ўз тилини ривожлантиришга, дунёга танитишга ҳаракат қилади. Бу вазифани фақатгина тилшунослар зиммасига юкламасдан, она тилида сўзлашувчи ҳар бир шахснинг инсоний бурчи деб қараш ўринли. Зеро, тил – миллат маънавиятини ўзида акс эттирувчи муқаддас тимсол. У миллий қадриятларни бирлаштириб, намоён этиб турадиган энг мустаҳкам занжир, жуда бой маънавий хазинадир. Ана шу хазина дурларидан халқни баҳраманд этиш, дунёга танитиш тилшунослик фанининг энг долзарб вазифалари сирасига киради. Бу борада тилшунослик бошқа фанлар билан ҳамкорликда ўзининг янги ўзанларини кашф этиб, бир қанча татбиқий ишларни амалга оширмоқда.

Замонавий тилшуносликнинг антропосентрик йўналишини кучайтириш, асосий эътиборни тил системасидан коммуникатив жараёнга қаратиш бир қатор нутқ фанларини ривожлантиришни ва қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларнинг ортганлиги замонавий илмий ғояларни акс эттирувчи лингвистик назарияни яратишга эҳтиёж туғдирди. Шу муносабат туфайли нутқ маданияти, адабий меъёр ва бу тушунчалар билан боғлиқ ҳодисаларни яхлит ифодалайдиган ортология соҳаси тилшуносликка кириб келди. Бу соҳа ҳақида тўхталишдан олдин “ортология” терминини изоҳлаб ўтамиз. Биз бир неча тил (масалан: инглиз, рус, француз, қозоқ ва бошқалар) луғатларини кўздан кечирганимизда мазкур атама дастлаб инглиз тилшунослигида учрашига гувоҳ бўлдик: “Ортология тилда сўзларнинг тўғри фойдаланилишини ўргатади. Бу сўз грекча orthos (“тўғри”) ва -logos (“фан, таълимот”) дан келиб чиққан. Бу фан психология, фалсафа, тилшунослик ва бошқа кўплаб таълим соҳалари билан биргаликда келади” [27].

Ортология сўзини биринчи марта инглиз руҳонийси Мартин Фотерби (1560 – 1620) ишлатган. Тилшунослик термини сифатида илк марта инглиз олими, математик статистика фанини яратган Карл Персон (1857 – 1936)нинг “The Grammar of Sciense” (“Илм грамматикаси”) асарида учрайди. 1892 йилда чоп этилган мазкур китобда “ортология – мантиқнинг асосий қисми тилдан тўғри фойдаланишни ўрганиш, аниқ белгилаш ва зарур бўлганда атамаларни ихтиро қилиш” деган таъриф берилган бўлиб, бу уч томонлама таъриф тилдан тўғри фойдаланиш билан бошланиб, уни норматив ёндашув сифатида изоҳлаш билан тугайди. Инглиз тилида ортологиянинг луғатдаги илк таърифи “Оксфорд инглиз тили луғати” (Oxford English Dictionary)да келтирилган: “Ортология – инсонларга сўзларни тўғри қўллашни ўргатиш” [28, 29].

Бундан ташқари ортологияга оид муҳим китоблардан бири С.К.Огден ва И.А.Ричардснинг “The Meaning of Meaning” (“Маънонинг маъноси”) асаридир. Бу асар 1923 йилда ёзилган бўлиб, XX асрда тилшунослик семантикаси ва семиотикасига

оид кўплаб ишларда қайд этиб ўтилган. Унда ортологиянинг муҳим соҳаларидан бири инглиз тилини соддалаштириш масаласи эканлиги таъкидланиб, содда ва осон инглиз тили меъёрларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган. 1928 йилда эса уларнинг бу борадаги фаолияти Ортологик институт номи остида бирлаштирилади. Огден асосий ва содда ўзлаштириладиган инглиз тилини тарғиб қилиш мақсадида 1927 йилда Ортология институтини ташкил қилган эди. Дастлаб Кембриждаги Кинг парадида жойлашган мазкур институт 1943 йилда Лондоннинг Гордон майдонига кўчиб ўтган. Институт асосан инглиз тилига оид луғатларни тузиш, уларни тарғиб қилиш билан шуғулланган. Огденнинг асосий инглиз тилини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолияти 1925 йилдан умрининг охиригача давом этган. У 850 сўздан иборат ёрдамчи халқаро тил луғати – “Basic English” (“Асосий инглиз тили”) луғатини яратди. Бу луғат инглиз тилининг кундалик турмуш учун зарур бўлган барча жиҳатларини қамраб олган эди. Умуман олганда айтиш мумкинки, Огден ва Ричардсларнинг мақсади инсонлар учун қулай тил меъёрларидан фойдаланиб, содда, ўрганилиши осон бўлган асосий инглиз тилини ишлаб чиқиш ва тарғиб этиш эди [24. Б.128].

Инглиз тилининг дунё бўйлаб кенг тарқалишида, халқаро тил мақомини олишида юқорида қилинган ишлар замин вазифасини ўтаган. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда инглиз тилига оид луғатлар, веб сайтлар, тил ўргатиш дастурлари, содда, осон инглиз тилини ўзида мужассам этган ва тарғиб қилган ишлар бениҳоя кўпдир. Бу – ўз она тилини севиш, ардоқлаш, сақлаб қолиш, жаҳонга олиб чиқиш, инглиз миллати борлигини бот-бот таъкидлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мавжудлигидан дарак беради. Демак, ҳар бир миллатни, ҳар бир тилни дунё тан олиши ўша миллат вакилларининг қўлидадир. Бу натижага эришишда ортология соҳасининг ўрни беқиёсдир.

Ортология соҳаси оғзаки ва ёзма адабий меъёрлар, яъни орфоэпик, орфографик, морфологик, лексик, синтактик, пунктацион каби меъёрлар билан узвий боғлиқдир. “Меъёр [а. ўлчак, асосий ўлчов; андоза] 1.Расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, ҳамма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. Ҳуқуқ меъёрлари. Ахлоқ меъёрлари. 2.Бирор нарса, иш ва ш.к. нинг миқдор, даража жиҳатдан талабдаги, белгили ўлчами. Ҳар нарса ҳам ўз меъёрида яхши” [23. Б. 462]. Демак, меъёр алоқадор бўлмаган бирор бир соҳа, фаолият, хатти-ҳаракат мавжуд эмас. Меъёр бузилса, аслиятга путур етади. Бу меъёрий бузилишлар тузатилмаса ёки давом этаверса, натижада аслият йўқолади ва бошқа бир аслиятни юзага келтиради. Тилшунослик учун ҳам меъёр тушунчаси бегона эмас. Бугунги кунда тилдаги адабий меъёрни сақлаб қолиш учун алоҳида, тил меъёрларини ўрганадаган ортология соҳаси кириб келди. Бу соҳанинг энг асосий, тан олинган категорияси ўзгарувчанлик категориясидир. Чунки тил вақт ўтган сайин ривожланади, нутқ эса доимий ҳаракатда. Шундай экан, ортология қонун-қоидаларининг янгиланиб туриши табиий ҳолдир.

Ортология атамаси XX асрнинг 60 йилларида меъёр ва меъёрлаштириш масалалари билан шуғулланадиган тилшунослик соҳаси эканлиги қатъий белгилаб қўйилди. Дастлаб О.С.Ахманова, Ю.А.Бельчиков ва В.В.Веселитскийлар тилшуносликнинг махсус йўналиши – ортологияга асос солишди [2]. Кейинги тадқиқотларида ҳам бу соҳа хусусида тўхталиб ўтишди [3]. Шундан сўнг бу атама муҳокама қилинди, ўрганилди ва, ниҳоят, 1985 йилга келиб Д.Э.Розенталь, М.А.Теленковаларнинг “Лингвистик терминларнинг луғат-маълумотномаси: Ўқитувчилар учун қўлланма” китобида шундай таърифланди: “Ортология нутқнинг тўғрилиги ва меъёрийлигини ўрганади” [19]. Бу терминнинг батафсил таърифини “Рус тили” энциклопедиясида кўриш мумкин [12]. Бунда мақола муаллифи Л.К.Граудина ортологияни қуйидагича талқин қилади: “Объекти тўғри нутқ назарияси бўлган тилшунослик бўлими”. С.И.Виноградов эса ортологияни нутқ маданияти фанининг бир қисми, мустақил тадқиқот йўналиши сифатида тушунади ва унинг объекти тил меъёрлари эканини айтади [7].

Ортология билан алоқадор нутқ маданияти, тил меъёрлари, стилистика каби тушунчалар ўрганилган тадқиқотлар ҳам оз эмас. Хусусан, инглиз тилшунослигида нутқ маданияти назарий ҳамда амалий жиҳатдан батафсил тадқиқ қилинган. А.Бэн, Д.Бибер, П.Д.Жералд, О.Есперсен, Ҳ.М.Жорж, Ф.Ван Коэтем, Ю.Найда, М.Шлош, М.А.Халлидей каби олимлар ўз тадқиқотларида нутқ маданиятининг лексик-семантик, грамматик, коммуникатив, стилистик хусусиятларини очиб берганлар.

Рус тилшунослигида В.Г.Костомаров, Р.А.Будагов, А.В.Суперанская, Б.З.Букчина, В.Е.Гольдин, А.А.Потебня, С.И.Ожегов, Б.Н.Головин, Г.С.Коляденко, М.Н.Сенкевич, Л.И.Скворцов, Н.С.Водина, Л.А.Введенская, Д.Э.Розенталь, И.Б.Голуб, Н.Г.Гольцова, Т.Н.Ушакова, М.А.Петриченко, Л.В.Щерба, А.И.Дунев, Н.Г.Блохина, В.И.Черныш ев, М.И.Дивакова каби назариётчилар тил меъёрларини фонетика, орфография, лексикология, стилистика доирасида тадқиқ қилганлар.

Рус ортологиясининг шаклланиши, асосан, профессор С.И.Ожегов номи билан боғлиқ. У СССР Фанлар академиясининг Рус тили институ-

тида рус нутқ секторининг асосчиси (1952), ушбу соҳадаги илмий ишларнинг ташкилотчиси, таниқли “Нутқ маданияти муаммолари” илмий сериясининг ташаббускори ва ижрочи муҳаррири (1955 – 1967) сифатида эътироф этилади.

Ўзбек адабий тили меъёри ва нутқ маданиятининг назарий масалалари С.Иброҳимов, Э.Бегматов, Р.Қўнғуровларнинг мақолаларида, лексик меъёр масалалари Ш.Шоабдураҳмонов, А.Ғуломов, О.Усмонов ишларида, услубий меъёр Ғ.Абдураҳмонов, И.Қўчқортоев, Б.Ўринбоев, М.Мукаррамов, Р.Қўнғуров, И.Тошалиев, Б.Умурқуловларнинг кузатишларида, нутқ маданиятида луғатларнинг ўрни ва роли С.Акобиров, Т.Алиқулов, Э.Фозиловлар тадқиқотларида, тиниш белгиларининг ишлатилиш нормалари Х.Ғозиев, К.Назаровалар ишларида, алифбо, имло ва талаффуз нормалари С.Иброҳимов, А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, А.Маматовларнинг мақолаларида таҳлил қилинган. Шунингдек, Қ.Мусаев, Ё.Тожиев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Д.М.Тешабоева сингари олимлар адабий меъёрларнинг грамматик ва стилистик жиҳатларини таҳлилга тортганлар.

Э.Бегматов ва А.Маматовлар “Адабий норма назарияси” (1-қисм) деб номланган китобларида лисоний меъёрни ўрганиш бўйича тўрт асосий марказ мавжудлигини кўрсатадилар:

1. Чех (Прага) тилшунослик мактаби.

2. Э.Косериуннинг илмий назариялари.

3. Америка, инглиз ва немис тилшуносларининг илмий қарашлари.

4. Собиқ Иттифоқ тилшунослигидаги илмий назарий қарашлар [4. Б.3].

Бу марказларда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинган, аммо бирор ўринда ортология тушунчаси учрамайди.

Ортология терминининг тилшуносликка кириб келиши ва алоҳида соҳа сифатида ўрганилиши кўпгина тилшунослик мактабларини қизиқтириб қўйди. Жумладан, XX асрда Россия, Чехия, Германия ва бошқа тил марказларида ортология муаммолари ўрганилди. Дунё тилшунослигида ортологик тадқиқотлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Гарчи ортология тушунчасининг кириб келиши XVII асрга бориб тақалса-да, унинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши, маълум бир тилга татбиқ этилиши XX – XXI асрларга тўғри келади. Айниқса, охирги йигирма йилликда бу соҳага қизиқиш ортди ҳамда ортологик таҳлил, ортологик ёндашув масалалари билан боғлиқ амалий ишлар дунё юзини кўрди. Айниқса, рус тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар кўпчиликни ташкил этади. Ортологияни алоҳида бўлим сифатида яхлит ўрганган тилшунос А.Г.Жуковадир.

Олима ўз тадқиқотида ортология соҳасини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан талқин қилади. Нутқ маданиятини мураккаб тилшунослик фани сифатида баҳолайди ва бугунги кунда замонавий тилшунослик диққатни тил тизимидан коммуникатив жараёнга ўтказиш нутқ маданияти билан боғлиқ фанларни ривожлантиришни тақозо этаётганлигини, шу сабабли нутқ маданиятининг барча жиҳатларини, шу жумладан, тил меъёрлари учун жавоб берадиган ортологияни ўрганиш ва амалда татбиқ этиш зарур деб ҳисоблайди. Ортология тарихига назар солиб, рус ортологиясида амалга оширилган ишларни санаб ўтади ва гуруҳлайди. Ортологияни тилшунослик фани сифатида ҳажми, тузилиши ҳамда мазмунини келтиради. Тил меъёрини лингвистик, ижтимоий-тарихий ва функционал категория сифатида баҳолаб, нормаллаштириш ва кодлаш тушунчаларининг ўзаро муносабатини изоҳлайди. Вариантлилик ҳодисасини ортологик категория сифатида кўриб чиқади. Замонавий ортологик нуқтаи назардан меъёр турларини, меъёрдан четга чиқиш ҳолатларини шарҳлайди. Ортологик таҳлилни лингвистик таҳлилнинг бир тури сифатида баҳолайди ҳамда матнни ортологик таҳлил қилиш тартибини санаб ўтади. Шунингдек, ортологик таҳлил лингвистик, ижтимоий, прагматик, психолингвистик ва бошқа кўплаб параметрларни ҳисобга олган ҳолда ҳодисага меъёр нуқтаи назаридан берилган мураккаб тавсиф эканини уқтиради. Тил меъёрларига бўйсунган, тўғри нутқни ўрганиш ва ўргатишнинг фаол усулларини яратиш, шу билан бирга, ўзини тута билиш кўникмаларини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўлган психолингвистик ривожланиш жуда муҳимлигини, бу ютуққа эришиш эса ортологиянинг мелиоратив йўналишини тўлиқ амалга оширишга ёрдам беришини таъкидлаб, ўз фикрини хулосалайди. Филология талабалари учун “Ортология” курсини ташкил қилиш таклифини беради ва иловада “Ортология” курсининг ишчи дастурини келтиради. Бу дастур 5 йил давомида синовдан ўтказилган [15].

Е.М.Хакимованинг 2003 йилда яратилган ишида асосий эътибор тил меъёрлари масаласига қаратилган ва улар статик ҳамда динамик аспектда таҳлил қилинган. Ишда олдин ўрганилмаган қўлёзма ҳамда босма матнлар манба қилиб олинган, ушбу матнлар доирасидаги меъёрий параметрлар аниқланган. Статик тил меъёрлари ва динамик тил меъёрларининг ички гуруҳлари санаб ўтилиб, назарий жиҳатдан асосланган [22]. Е.М.Хакимова ўз қарашларини докторлик диссертациясида давом эттириб, замонавий рус тилининг ортологик системасини тадқиқ этади.

О.Г.Никонорованинг тадқиқоти эса ортологик таҳлил билан боғлиқ. У рекламалар нутқини манба сифатида танлайди ва ортологик жиҳатларини кўрсатиб беради. Бугунги кунда реклама алоқа-

нинг энг динамик таркибий қисмларидан бири эканини таъкидлаб, истеъмолчига таъсир ўтказиш учун реклама матнларининг шакли ва мазмунини доимий равишда янгилаб туриш зарурлигини қайд этиб ўтади. Жумладан, пунктуацион меъёрларнинг ёзма рекламадаги ўрнини таъкидлаб, кўпроқ нуқта, ундов, қавсдан фойдаланиш истеъмолчи диққатини тортишга хизмат қилишини айтиб ўтган [18].

Г.Е.Дронова ҳам нутқ маданияти, ҳам ортология билан чамбарчас боғлиқ амалий ишни тақдим этган. У маъруза жанрида "нутқнинг равшанлиги" алоқа категорияси сифатида алоҳида ўринга эгалиги ва бу ўрин тил меъёрлари билан бевосита алоқадорлигини асослаб берган [14].

И.В.Береля стилистик меъёрлар ва улардан четга чиқиш ҳолатларини ўрганади. Ортология билан боғлиқ амалий ишларда стилистик меъёрларнинг жуда зарурлигини назарий жиҳатдан исботлаб, бир неча стилисик меъёр турларини шарҳлайди [5].

А.Г.Кротова лексик меъёрларни ортологик сатҳда алоҳида таҳлил этди. Олима тадқиқотининг асосий янгилиги шундаки, илк марта лексик меъёр тушунчаси ҳар томонлама тадқиқ қилинди, яъни унинг хусусиятлари бошқа тил меъёрлари билан таққосланди, лексик меъёр тушунчасининг мазмуни аниқланди, лексик меъёр бузилишларининг турлари аниқланди, меъёр турини ўрганишда антропоцентрик ёндашувдан фойдаланилди [16].

Т.А.Славгородская (2011) эса оммавий ахборот воситалари тил меъёрларини белгилашда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтади ҳамда тўпланган материаллар ёрдамида ўз фикрини исботлайди. ОАВ материалида сўзларни шакллантириш жараёнлари ва моделларини тавсифлайди. Бу эса янги рус тилининг изоҳли луғатини тузишда муҳим манба бўлишини англатади [21].

В.В.Свинцов (2012) диққатини ортологик луғатлар ва "тилдаги қийинчилик, мураккаблик" деган тушунчани изоҳлашга қаратади. Яъни тил меъёрлари орасида ўрганилиши қийин бўлган, маълум бир мураккаблик, чалкашликни юзага келтирувчи имло, талаффуз, пунктуация ва сўз қўллашдаги қийинчиликларга изоҳ беради. "Тил қийинчилиги" тушунчасини ҳар томонлама ўрганиб, лексикография амалиётида фойдаланишни таклиф этади, чунки рус тилшунослигида ортологик луғатлар жуда кўпчиликни (С.В.Лесников 220 га яқин луғатни санаб ўтган) ташкил этади [20].

Туркийшуносликда ҳам (татар, қозоқ, туркман, ёқут, чуваш ва бошқа тилларда) адабий тил, тил меъёрлари, меъёрдаги тартибсизликларга бағишланган тадқиқотлар анчагина. Биз эса айнан ортология тушунчаси кириб борган, луғатларида акс этган ҳамда ортологик таҳлил амалга оширилган тилшунослик мактабига эътиборимизни қаратамиз. 2016 йилда нашрдан чиққан "Қозоқ адабий тилининг луғат-маълумотномаси"да ортология ва у билан боғлиқ тушунчалар изоҳланган. Қозоқ тадқиқотчиси А.Ж.Акшолакова рус тилида учрайдиган қозоқча номлар (атоқли отлар) ни меъёр, адаптация, вариантлилик доирасида кўриб чиқди [1].

Ортология муаммолари тилшуносликнинг қадимий ва долзарб масалаларидан бири бўлиб, ҳозирга қадар ўрганиб келинмоқда. Сабаби ҳар қандай адабий тил борки, тил меъёрларини ишлаб чиқиши, тартибсизликларни вақтида тузатиши ҳамда тил меъёрларини синхроник нуқтаи назардан янгилаб туриши шарт. Бу амаллар бажарилмас экан, адабий тилда ҳар хил чалкашликлар келиб чиқади. Ортологиянинг асосий категорияси вариантлилик бўлиб, айни категория ортологияни тавсифий лингвистикадан ажратиб туради. Бу соҳа нафақат тил ривожланишидаги янги тенденцияларни қайд этади, балки "адабий меъёрларнинг бузилиш сабабларини ҳам аниқлайди" [3. Б. 89] ва баҳолайди.

Ортологиянинг тадқиқ объекти бўлган адабий меъёр борасида турли қарашлар илгари сурилади. Жумладан, бир қатор инглиз тилшуносларининг фикрича: "Меъёр – зиёлилар томонидан минтақавий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган оғзаки ва ёзма шакллардир" [6. Б. 34]; "умумхалқ томонидан қабул қилинган тамойил ёки моделдир" [13. Б. 23]. Рус тилшуносларининг таъкидлашича, меъёр "ижтимоий маъқул кўрилган қоида" [10. Б. 76.] бўлиб, у "тарихийлик тамойилларига асосланган ҳолда тил бирликларининг функционал вариантларидан бирини шу тилда сўзлашувчилар томонидан" [9. Б. 15] оғзаки ва ёзма мулоқот учун танлаган кўринишларидир.

Ўзбек тилшунослигида Р.Қўнғуров, Э.Бегматов ва Ё.Тожиевлар адабий меъёрларни қуйидагича таърифлайди: "Меъёр деганда, тил унсурларининг халқ ўртасида кўпчиликка маъқул бўлган вариантини қўллаш тушунилади" [25. Б. 160]. Яна бир ўзбек тилшуноси А.Маматов ўзининг адабий меъёрларга бағишланган асарида меъёрнинг 23 та хусусиятини изоҳлаб беради [7. Б. 56].

Инглиз, рус ва ўзбек тилшунослари томонидан юқорида келтирилган фикрларга таянган ҳолда адабий меъёрга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Адабий меъёр – муайян адабий тилда халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётини ўзида акс эттирган, ҳамма учун тушунарли ва қулай ҳисобланган, динамик ҳамда вариантлилик хусусиятларига эга бўлган тил бирликларининг нутқда меъёрлашишидир.

Ортология соҳасида олиб борилган тадқиқот-

лардаги турлича ёндашув ва қарашлар натижасида тилшуносликда меъёр, тил меъёрлари, адабий тил меъёри каби терминлар моҳияти хусусида ҳанузгача бир тўхтамга келинмаган. Таъкидлаш жоизки, меъёр ва адабий тил тушунчалари махсус адабиётларда аниқ таърифга эга эмас. Кўпинча, меъёр қоидалар тизими эмас, балки "қонунлар мажмуи" [8. Б. 16] сифатида тавсифланган. Айрим таърифларда муаллифларнинг меъёр (тил ва нутқ) ва адабий меъёр тушунчаларига синонимлар сифатида қараганликларига гувоҳ бўламиз [12. Б. 163].

Адабий тил меъёрлари бўйича тадқиқот олиб борган рус олими К.С.Горбачевичнинг фикрича, "меъёр бу нафақат ижтимоий маъқул кўрилган қоида" [10. Б. 76], балки тил тизими қонуниятлари ҳамда унинг эволюциясини ўзида акс эттирган, ҳақиқий нутқий фаолиятда объективлаштирилган қоидалар мажмуидир" [11. Б. 46]. Б.Н.Головин меъёр ҳақидаги барча фикрларни қиёслаб: "Меъёр – тарихийлик принципларига асосланган ҳолда, тил бирликларининг функционал вариантларидан бирининг шу тилда сўзлашувчилар томонидан танланишидир" [9. С.15] деган хулосага келган, унинг вариантлилиги ва ўзгарувчанлигини кўрсатиб берган. Бу масалага инглиз ва ўзбек тилшунослари ҳам диққат қаратганлар.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам нутқ маданияти, адабий тил меъёрларига оид бир қатор дарслик ва қўлланмалар нашр этилди. Бу қўлланмаларнинг аксариятида нутқ маданияти фанининг асосий ўрганиш предмети адабий меъёр деган хулосага келинган. Бундан ташқари, тил меъёрларининг тил сатҳларига амал қилишига кўра турлари кўпинча грамматика таркибида ўрганилиб келинмоқда. Жаҳон тилшунослигида эса тил меъёрларини алоҳида соҳада ўрганиш заруррлиги ҳамда грамматикадан ажратиб олинган ортология фани махсус курс сифатида ўқитилиши борасида XIX асрдаёқ бир қарорга келинган эди.

XXI аср техника ва ахборот асри, бу эса тилга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, замонавий нутқда кўплаб мунозарали вазиятларнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Натижада уларни меъёрий баҳолаш принципларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Жамият нутқ маданияти ҳақида қайғуриш, ташвишланиш эса кўпроқ ортология муаммосига эътибор қаратишни талаб этади. Аста-секин янги ижтимоий-маданий тартибни назорат қиладиган тилшунос шахсни тарбиялаш шаклланмоқда.

Нутқ маданияти меъёрий асосга эга бўлган мураккаб жараён бўлиб, унинг асосини ортология ташкил қилади. Ўз навбатида ортология нутқ маданияти фанининг таркибий қисмига нисбатан мустақил фан бўлиб, унинг предмети лингвистик меъёрлар ҳисобланади. Замонавий ортологик назариянинг ҳар бир таркибий қисми лингвистик, ижтимоий ва функционал жиҳатларнинг ажралмас бирлигидир. Лингвистик таҳлил турлари тизими ортологик таҳлил билан тўлдирилади. Ортологик таҳлил меъёрга асосланган кенг қамровли тавсифдир. Тилшунослик ҳодисасини тўғри ортологик баҳолаш муайян билим ва кўникмани талаб этади. Зеро, ортологик таҳлил лингвистик, ижтимоий, прагматик, психолингвистик ва бошқа параметрларни ҳисобга олган ҳолда ҳодисанинг меъёрийлик жиҳатидан мураккаб тавсифидир. Ортологик таҳлилни ўтказиш жараёни турли хил тил ҳодисаларини ўрганишда қўлланиладиган, меъёрий баҳолашни талаб қиладиган ортологиянинг назарий қоидалари асосида аниқланади.

Бугунги кунда жаҳонда юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган адабий тил ва унинг меъёрларини ўрганиш дунё тилшунослигининг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки тил ҳодисаси муҳим алоқа воситаси, маданият эса муносабатлар самарадорлигини таъминловчи восита сифатида тушунилади. Матн қурилишида ортологик меъёрларнинг тўғри қўлланилиши мулоқотнинг муваффақиятли якунланишидир. Шу сабабли турли тилларда ёзилган ортологияга оид тадқиқотларни ўрганиш, унинг дунё тилшунослигида тутган ўрнини белгилаш, матнларнинг прагматик хусусиятлари қайдаражада акс эттирилганлигини тадқиқ этиш эътиборга молик.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда кўпгина тилшунос олимлар диққатини ўзига жалб этган ортология соҳаси алоҳида фан сифатида ҳар бир тилда ўрганилишга муҳтождир. Ортология адабий тил меъёрларини ўрганадиган фан сифатида қуйидаги муҳим амалий жиҳатларни ўз ичига қамраб олади:

- миллат тилини келажак тилига айлантиришда туртки вазифасини ўтайди;
- тилнинг софлиги ҳамда жозибадорлигини таъминлайди;
- она тилига ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини уйғотади;
- дунёга танилиши ва халқаро тил сифатида тан олинишига ёрдам беради;
- миллат вакилларининг она тилида мавжуд тил меъёрларига амал қилиш аҳамияти борасидаги қарашларини шакллантиради;
- саводли бўлишга, шунингдек, жамиятнинг ҳар бир бўғинида фойдаланиладиган сўзу иборалардан миллий маънавият ҳамда тил меъёрларига бўйсунган ҳолда фойдаланишга ўргатади.

Адабиётлар

1. Акшолакова А.Ж. Казахские онимы в русской речи: норма, адаптация, вариативность. Диссертация на соискание ученой степени доктора философии (PhD). – Алматы, 2014.

2. Ахманова О.С., Бельчиков Ю.А., Веселитский В.В. К вопросу о “правильности” речи // Вопросы языкознания, 1960. – №2. – С. 35 – 43.

3. Ахманова О.С., Беляев В.Д., Веселитский В.В. Об основных понятиях “нормы речи” (ортология) // Филологические науки, 1965. – №4. – С. 88 – 98.

4. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-қисм. – Тошкент: Наврўз, 1997. – 92 б.

5. Береля И.В. Многоуровневая системность стилистических норм и проблема типологизации речевых отклонений от них: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Краснодар, 2007. – 24 с.

6. Biber Douglas. Variation across Speech and Writing. – Cambridge: Cambridge University Press, 1992. – 382 p.

7. Виноградов С.И. Нормативный и коммуникативно-прагматический аспекты культуры речи // Культура русской речи и эффективность общения. – Москва: Наука, 1996. – С. 121 – 152.

8. Веселицкий В.В. Норма и вариант // Русский язык в школе, 1967. – №5. – С. 15 – 22.

9. Головин Б.Н. Основы культуры речи. – Москва: Высшая школа, 1980. – 336 с.

10. Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. – Москва: Просвещение, 1978. – 240 с.

11. Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма (на материале современного русского языка). – Ленинград: Наука, 1978. – 240 с.

12. Граудина Л.К. Ортология // В кн.: Русский язык: Энциклопедия. – Москва: Большая Российская энциклопедия, 1997. – С. 298.

13. Gerald P.D., James J.G. The English Language. From sound to sense. – Colorado: The WAC Clearinghouse, 2010. – 480 p.

14. Дронова Г.Е. Коммуникативная категория “ясность речи” в жанре лекции: Автореф. дисс… канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2006. – 22 с.

15. Жукова А.Г. Ортология в теоретическом и прикладном рассмотрении: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2002. – 24 с.

16. Кротова А.Г. Лексическая норма и ее отражение в языковом сознании носителей языка: опыт экспериментального исследования: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2011. – 23 с.

17. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1991. – 56 б.

18. Никонорова О.Г. Малые рекламные жанры в прагматическом, когнитивном и ортологическом аспектах: на примере бегущей строки: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Омск, 2005. – 26 с.

19. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов: Пособие для учителя. – Москва: Просвещение, 1985. – 399 с.

20. Свинцов В.В. Языковая трудность: системный, лексикографический и методический аспекты: на материале русского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2012. – 22 с.

21. Славгородская Т.А. Реализация словообразовательного потенциала языка в текстах СМИ: нормативный аспект: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Краснодар, 2011. – 20 с.

22. Хакимова Е.М. Статический и динамический аспекты языковой нормы: анализ, систематизация, обоснование: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Челябинск, 2003. – 24 с.

23. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1-жилд. – Москва: Рус тили, 1981. – 632 б.

24. Ширинова М.Ш. Ортология адабий меъёр ҳақидаги фан сифатида // БухДУ илмий ахбороти, 2019. – №3. – Б. 127 – 131

25. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Е. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

26. Толковый словарь иностранных слов Л.П. Крысина. – Москва: Русский язык, 1998. https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/53290/ (Мурожаат этилган сана: 24.09.2019).

27. Orthology (language) // https://en.wikipedia.org/wiki/Orthology_(language) (Мурожаат этилган сана: 19.09.2019).

28. The Grammar of Science // https://www.goodreads.com/book/show/3356445-the-grammar-of-science (Мурожаат этилган сана: 02.10.2019).

29. “The Meaning of Meaning” orthology // In: History of the Language Sciences / Geschichte der Sprachwissenschaften / Histoire des sciences du langage // https://books.google.co.uz/books?id=E_Z8JaM_Q78C&pg=PA2582&lpg=PA2582&dq#v=onepage&q&f=false (Мурожаат этилган сана: 02.10.2019).

30. McElvenny J. Ogden and Richards’ *The Meaning of Meaning* and early analytic philosophy // Language Sciences, Vol. 41, Part B, January 2014, P. 212 – 221.

RESEARCH ON ORTHOLOGY AND ITS ROLE IN LINGUISTICS

M. Sh. Shirinova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 106 – 113.
[1]Bukhara State University, Bukhara, 200117, str. Muhammad Iqbol, 11 (Uzbekistan). E-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz

Keywords: orthology, norm, language norms, literary language, literary standard, orthology research, orthological analysis, speech culture.

The article brings an overview of orthology, a product of the anthropocentric dimension of modern linguistics. The case study of the research is to fill the gaps in Uzbek linguistics by investigating world linguistics. Component, differential-semantic, observation and comparison methods were used to cover the topic. Initially the dictionary meaning of orthology and its interpretation in dictionaries is interpreted. According to the investigations, the word "orthology" was first used by Marten Foterbi in the XIXth century and was first used by Carl Person as a linguistic term, and it was concluded that the word "orthology" in linguistics first appeared in English. In addition, as one of the most important books on orthology in English "The Meaning of Meaning" by S.K.Ogden and I.A.Richardsand is brought as an example and it is stated that their subsequent research is linked to the Orthological Institute. The implementation of the English language studies (website development, various dictionaries, language development and learning programs) has been instrumental in raising and spreading English at the international level. It was also noted that by the 1960s, there were many theoretical and practical studies that resulted from the disintegration of orthology from grammar. Then most of the work on orthopedic research in world linguistics is listed and summarized.There is a brief explanation to the monograph researches of Russian linguistics of the last two decades that have been made by A.G.Zhukova, E.M.Khakimova, O.G.Nikonorova, G.E.Dronova, I.V.Berelya, A.G.Krotova, T.A.Slavgorodskaya and others. In the study, orthology was studied as a separate discipline and as a unit, also, orthologic analysis in a work by A.G.Zhukova is explained. Moreover, in Turkic studies, and in particular in Kazakh linguistics, it is stated that this notion has been included in the dictionaries.The research objects of orthology such as literary concepts, norms have been explained and comparisons made in various sources are brought as examples. From the comparisons, it is clear that up to now the norm has not yet been decided on the issue of literary norms, so the definitions differ. In Uzbek linguistics, it is noted that the works on normative issues are many and a few are listed. It is also stated that, despite the numerous comments on literary language norms, the term orthology does not exist and the word does not appear in Uzbek dictionaries. In conclusion, it is necessary to study the field of orthology as a separate discipline, to introduce the term of orthology to Uzbek linguistics, and to introduce many works related to orthological analysis and to create orthological dictionaries. At the same time, the practical importance of orthology in the development and spread of language is undeniable.

Reference

1. Aksholakova, A.Zh. (2014) *Kazahskie onimy v russkoj rechi: norma, adaptaciya, variativnost'* [Kazakh onyms in Russian speech: norm, adaptation, variability]. The dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD). Almaty.

2. Ahmanova, O.S., Bel'chikov Yu.A., Veselitskij V.V. (1960) K voprosu o "pravilnosti" rechi [To the question of the 'correctness' of speech]. *Voprosy yazykoznaniya*. 2. Pp. 35-43

3. Ahmanova, O.S., Belyaev V.D., Veselitskij V.V. (1965) Ob osnovnyh ponyatiyah "normy rechi" (ortologiya) [On the basic concepts of the 'norm of speech' (orthology)]. *Filologicheskie nauki*. 4. Pp. 88-98.

4. Begmatov, E., Mamatov A. (1997) *Adabiy norma nazariyasi* [Literary Norm Theory]. Part 1. Tashkent: Navro`z.

5. Berelya, I.V. (2007) *Mnogourovnevaya sistemnost stilisticheskih norm i problema tipologizacii rechevyh otklonenij ot nih* [The multilevel systematic character of stylistic norms and the problem of typologizing speech deviations from them]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Krasnodar.

6. Biber Douglas. (1992) *Variation across Speech and Writing*. Cambridge: Cambridge University Press.

7. Vinogradov, S.I. (1996) Normativnyj i kommunikativno-pragmaticheskij aspekty kultury rechi [Normative and communicative-pragmatic aspects of speech culture]. In: *Kultura russkoj rechi i effektivnost obshcheniya* [Culture of Russian speech and communication efficiency]. Moscow: Nauka.

8. Veselickij, V.V. (1967) *Norma i variant* [Norm and variant]. *Russkij yazyk v shkole*. 5. Pp. 15-22

9. Golovin, B.N. (1980) *Osnovy kultury rechi* [Fundamentals of speech culture]. Moscow: Vysshaya shkola.

10. Gorbachevich, K.S. (1978) Normy sovremennogo russkogo literaturnogo yazyka [Norms of the modern Russian literary language]. Moscow: Prosveshchenie.

11. Gorbachevich, K.S. (1978) *Variantnost slova i yazykovaya norma* (na materiale sovremennogo russkogo yazyka) [Variation of the word and language norm (based on the material of the modern Russian language)]. Leningrad: Nauka.

12. Karaulov, Yu.N. (ed.). (1997) Russkij yazyk. Enciklopediya [Russian language: Encyclopedia]. Moscow: Bolshaya Rossijskaya enciklopediya

13. Gerald, P.D., James J.G. (2010) *The English Language. From sound to sense*. Colorado: The WAC Clearinghouse.

14. Dronova, G.E. (2006) Kommunikativnaya kategoriya “yasnost’ rechi” v zhanre lekcii [The communicative category of “clarity of speech” in the genre of lecture]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Ekaterinburg.

15. Zhukova, A.G. (2002) Ortologiya v teoreticheskom i prikladnom rassmotrenii [Orthology in theoretical and applied consideration]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Novosibirsk.

16. Krotova, A.G. (2011) Leksicheskaya norma i ee otrazhenie v yazykovom soznanii nositelej yazyka: opyt eksperimentalnogo issledovaniya [The lexical norm and its reflection in the linguistic consciousness of native speakers: the experience of experimental research]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Novosibirsk.

17. Mamatov, A.E. (1991) Hozirgi zamon o`zbek adabiy tilida leksik va frazeologik norma muammolari [Problems of Lexical and Phraseological Norms in Contemporary Uzbek Literary Language]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Tashkent.

18. Nikonorova, O.G. (2005) *Malye reklamnye zhanry v pragmaticheskom, kognitivnom i ortologicheskom aspektah: na primere begushchej stroke* [Small advertising genres in the pragmatic, cognitive and orthological aspects: On the example of a running line]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Omsk.

19. Rozental, D.E., Telenkova M.A. (1985) *Slovar-spravochnik lingvisticheskih terminov* [Dictionary of linguistic terms]. A manual for the teacher. Moscow: Prosveshchenie.

20. Svincov, V.V. (2012) *Yazykovaya trudnost: sistemnyj, leksikograficheskij i metodicheskij aspekty: na materiale russkogo yazyka* [Language difficulty: systemic, lexicographical and methodological aspects: on the material of the Russian language]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Moscow.

21. Slavgorodskaya, T.A. (2011) Realizaciya slovoobrazovatelnogo potenciala yazyka v tekstah SMI: normativnyj aspekt [Realization of the word-building potential of a language in media texts: normative aspect]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Krasnodar.

22. Hakimova, E.M. (2003) Staticheskij i dinamicheskij aspekty yazykovoj normy: analiz, sistematizaciya, obosnovanie [Static and dynamic aspects of the language norm: analysis, systematization, justification]. Abstract of dissertation candidate of Philological Sciences. Chelyabinsk.

23. Magrufov, Z.M. (ed.) (1981) O’zbek tilining izohli lug’ati [Interpretative Dictionary of the Uzbek Language]. 2 volumes. Vol. 1. Moscow: Rus tili.

24. Shirinova, M.Sh. (2019) Ortologiya adabiy me‘yor haqidagi fan sifatida [Orthology as a field of study of literary standards]. *BuxDU ilmiy axboroti*. 3. Pp. 127-131.

25. Qo’ng’urov, R., Begmatov E., Tojiev E. (1992) *Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari* [Culture of speech and the fundamentals of methodology]. Tashkent: O`qituvchi.

26. Тольковый словарь иностранных слов Л.П. Крысина. – Moscow: Russkij yazyk, 1998. https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/53290/ (Date of Access: 24.09.2019).

27. *Orthology* (language) // https://en.wikipedia.org/wiki/Orthology_(language) (Date of Access: 19.09.2019).

28. *The Grammar of Science* // https://www.goodreads.com/book/show/3356445-the-grammar-of-science (Date of Access: 02.10.2019).

29. “The Meaning of Meaning” orthology // In: *History of the Language Sciences* / Geschichte der Sprachwissenschaften / Histoire des sciences du langage // https://books.google.co.uz/books?id=E_Z8JaM_Q78C&pg=PA2582&lpg=PA2582&dq#v=onepage&q&f=false (Date of Access: 02.10.2019).

30. James McElvenny. Ogden and Richards’ The Meaning of Meaning and early analytic philosophy. *Language Sciences.* Vol. 41. Part B. January 2014, Pp. 212-221.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Ширинова Мехригиё Шокировна – Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч докторанти. E-mail: shmexrigiyo@mail.ru.